

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Избоскан тумани Халк таълими бўлими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари А.Абдукаримов бир томондан ва «Таъминотчи» деб аталувчи «SARVINOZ ORZUSI» ХК ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Ш.Шодмонов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Таъминотчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Буюртмачи»нинг тасарруфидаги 8-умумий ўрта таълим мактабига иситиш тизимини янги қозон етказиб бериш шартини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. «Таъминотчи» келишилган нархларда ўзига тегишли бўлган молларни етказиб беради, «Буюртмачи» эса ушбу молларни қабул қилиб олиб ҳисоб китоб қилади. Шартноманинг умумий суммаси жорий нархларда 34800000 (ўттиз тўрт миллион саккиз юз минг) сўми, жумладан ҚҚС 4539130 (тўрт миллион беш юз ўттиз тўққиз минг бир юз ўттиз) сўми ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 5 банк иш кунида «Буюртмачи» етказиб бериладиган маҳсулотнинг умумий қийматининг 30 фоизини туловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тариқасида «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Қолган 70 фоизини «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар счёти фактурасига асосан мабла- 15 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. Маҳсулотни етказиб бериш харажати «Таъминотчи» томонидан ёқланади.

2.6. Бажарилган ишлар учун туловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга.

- Ўтказиб берилган товар маҳсулоти олдиндан ҳақ тўлаши ва тегишли қонун ҳаражатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилишни бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртмага мувофиқ ўтказиб берилган товар маҳсулотини қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида ўтказилиши зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

3.2. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

-Бюджет ташкилотига товар маҳсулотини мазкур шартномага асосан ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5. бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида ўтказиб бериш:

-Агар товар маҳсулотини ўтказиб борувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга юл қўйган бўлса бюджет ташкилотнинг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул тузатиб бериш:

3.3. «Истеъмолчи» нинг ҳуқуқлари:

-Ўтказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

-Ўтказиб берувчидан мазкур шартнома асосида бериладиган буюртмага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар маҳсулотини ўтказиб беришини талаб қилиш,

-Бахосини мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
-Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида этказилган зарар қопланишини этказиб берувчидан талаб қилиш;

3.4. «Истеъмолчи» мажбуриятлари :

-Ўз буюртмаси буйича этказиб берилган товар махсулотини мазкур шартномага мувофик қабул қилиш;

3.5. Шартномада кўрсатилган нархлар бозорда нарх наво ўзгариши ҳисобига ўзгартирилади.IV.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1 Этказиб бериладиган товар махсулоти сифати, миқдори «Таъминотчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундириш ҳоллари аниқланган тақдирда «Таъминотчи» этказиб берилаётган товар махсулотининг сифатини шунингдек миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Истеъмолчи»га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

4.2 Агар этказиб берилган товар махсулотнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларга намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон этказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган товар махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

4.3. Товар махсулотини этказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ этказиб берилмаган тақдирда «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган хир бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдоридда пеня тўлайди. Бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси этказиб берилмаган товар махсулот қийматиинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.4. Этказиб берилган товар махсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жihatдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“Буюртмачи”

Избоскан туман Халқ таълими бўлими
Избоскан туман Накшбанд кўчаси
ШХВ: 401722860032147092100075011
ИНН:207125126 ОКОНХ 92310
ЎзР Молия вазирлиги Фазначилиги Ягона
Фазна х/в:23402000300100001010
ИНН:201122919 МФО:00014 Марказийбанк
Тошкент шаҳар ХККМ
Мудир А.Абдукаримов



“Пудратчи”

“SARVINOZ ORZUSI” ХК
Андижон вилояти Избоскан тумани
Хр: 20208000904516019001
АТБ Хамкор банк амалиёт бўлими
МФО: 00083 СТИР: 206523859



Рахбар: Ш.Шодмонов

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	AZIZILLO ABDUKARIMOV KOZIMJONOVICH
	Imzolangan sana	3 окт 2022 10:30
	Hujjat kodi	EM4707582308
	Hulosa kodi	JR2827255386

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN
XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA
EM4707582308**

1. **Loyiha turi** – Shartnoma.
2. **Loyi haning nomi** – Fuqarolik shartnomasi.

Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – Izboskan tuman Xalq ta'lim bo'limi tomonidan 29.09.2022-yilda ishlab chiqilgan.

Shartnoma loyihasi bilan tanishib chiqib quyidagicha xulosa qilaman:

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Izboskan tuman Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi Bosh yuriskonsulti**



Sh.A.Tursunov

29.09.2022 yil.